

## “КАТТА ЯҚИН ШАРҚ”ДАГИ НЕОКОНСЕРВАТИЗМ

Абраг Тураев, ЖДПИ катта ўқитувчиси  
[abror-t@jspi.uz](mailto:abror-t@jspi.uz)

Ҳозирги даврда Яқин Шарқ мінтақасыда юз берган воқеалар ўз моҳиятига күра глобал таъсир күрсатыш хусусиятларини намоён қилади. Яғни, XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги яқунларида бутун мінтақаны “араб баҳори” дея юритилаётган жараёнлари қамраб олди. Бунинг устига жаҳон глобал молиявий–иктисодий инқизори таъсириңнинг сақланиб қолинаётгандылығы ва “Ироқ операциясы”нинг самарали яқунланмаганлығы мінтақаны кенг миқёсли курашлар полигонига айлантириб қўйди. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида, одатда, миллӣ, диний, мінтақавий, глобал, шунингдек, хусусий манбаатлар халқаро муносабатларнинг предмети бўлиб майдонга чиқмоқда.<sup>1</sup>

Яқин Шарқ дунё сиёсий харитасыда бир асрлик тарихга эга кескинлик ўчоқларининг мавжудлиғи, диний, миллӣ ва маданий ранг-барангликка бой бўлган мінтақа сифатида алоҳида ўринни эгаллайди. Мінтақа бўлган қизиқишининг доимий ортиб бориши мінтақанинг географик чегаралари борасидаги қарашларни ҳам ўзгартириб келди. Географик нұқтаи назаридан биз сўз юритаётган ҳудуд Яқин ва Ўрта Шарқ мінтақаси сифатида эътироф этилади. Инглиз тилидан таржима қилинганда ҳам “Middle” сўзи “Ўрта” маъносини англатади. Аммо сиёсий назариялар ва мінтақаларнинг геосиёсий ўрни борасидаги қарашларда асосан инглиз тилидаги “Near” (“яқин” маъносида) сўзи ўрнига “Ўрта” маъносини ифодаловчи сўз ишлатилиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам аксарият Ғарб тадқиқотларида Яқин Шарқ атамаси “Ўрта” маъносини англатувчи сўз орқали ифодаланади (Middle East). Ва мазкур мінтақада кечётган жараёнлар борасидаги талқинларда кенг қамровли географик маконга тегишлиликка ургу беришади. Масалан, Яқин Шарқ давлатлари дейилганда Африка қитъаси шимолида жойлашган бир қатор араб давлатлари, Туркия, Эрон, Ироқ каби давлатлар жойлашган Ўрта Шарқ ва бутун Форс кўрфази, Каспий денгизига туташ жанубий ҳудудлар, Афғонистон ва Покистон давлатлари ҳудудларини тушуниш анъанага айланди. Бу ҳудудлардаги ижтимоий жараёнлар Яқин Шарқ мінтақаси қамровига тегишли эканлиги илмий таҳлиллар ва назарияларда акс этмоқда. Бундай ёндашув АҚШ неоконсерватив қарашларида ҳам учрайди. Мінтақа билан боғлиқ неоконсерватив ташқи сиёсий концепцияларнинг барчасида Яқин Шарқ географик талқинга эмас, балки геосиёсий ўлчамлар асосида талқин этилади. АҚШ давлат бошқарувига республикачилар партиясининг келиши (2000 йил) билан бошланган кенг кўламли неоконсерватив амалиёт жараёнида ҳам мінтақага бўлган эътибор янада кучайтирилди. Мінтақанинг геосиёсий ўлчамлари ва АҚШ манбаатлар зonasи борасида янги-янги ғоялар

<sup>1</sup> Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар. - Т.: Академия. – 2007. – Б.5

илгари сурилди. Хусусан, бу борада “Буюк Яқин Шарқ”, “Катта Яқин Шарқ” ва “Янги Яқин Шарқ” каби атамаларнинг юзага келишини айтиш мумкин. Минтақанинг асл географик моҳиятидан четлашишга бўлган уруниш албатта глобаллашув ва гегемонизм мафкураси каби омилларга бориб тақалади. Зеро бугунги кунда ер куррасининг бирор бир жойида юз бераётган воқеа бошқа бир жойига тезкорликда қўчиши эҳтимоли юзага келди. Гегемонизм учун эса минтақалар чегараларининг кенгайтирилиши таъсир кўламини кучайтириш учун жуда яхши восита бўлиб ҳизмат қиласи. Шундай экан, АҚШнинг минтақадаги неоконсерватив ташқи сиёсати ўзининг кенг таъсирлилиги ва кўп томонлама манфаатдорлиги билан ажralиб туради. Айнан Яқин Шарқ минтақасига нисбатан шакллантирилган ташқи сиёсий концепциялар ўз қамрови нуқтаи назариядан ҳам туташ минтақалар хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, 9/11 воқёларидан кейинги даврда минтақалараро муносабатларда бундай ҳолат борасидаги хавотирлар анчайин кучайди. Масалан, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақаларида рўй берган “демократия инқилоблари” минтақалараро фаол муносабатларнинг бироз турғунлашишига ҳам сабаб бўлди.

Кейинги йилларда замонавий Яқин Шарқ муаммоларини бартараф этиш шиорлари ёки бошқа бир ғоялар, ҳусусан, демократлаштириш байроғи остида АҚШ сиёсий доира вакиллари ва неоконсерваторлар томонидан бир қатор янги концепциялар, стратегиялар илгари сурила бошланди. “Узоқ йиллар мобайнида оммавий онг даражасида шакллантирилган “Американинг афзаллиги”, “ота-боболар васияти”, “Америка масъуллиги” ва бошқа мифлардан мамлакат сиёсий-ҳарбий гурухлари жуда усталик билан фойдаланганлигининг инсоният гувоҳи бўлди. Жумладан, 1997-2001 йилларда аксилироқ компания кутилган натижа олиб келмаганлигининг асосий сабабларидан бири дунё унинг туб моҳиятини нисбатан чуқур анграб етганлиги билан боғлиқ”, деб таъкидлайди Т.Жўраев.<sup>2</sup>

АҚШнинг Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларидан сўнг республикачилар ҳукумати томонидан неоконсерваторларнинг фаол иштирокида 1990-йиллар давомида назарий асослари яратилиб келинаётган концепцияларни юзага чиқариш ва амалиётга тадбиқ этишга урунишлар бошланди. АҚШ неоконсерваторлари таъсирида Яқин Шарқ минтақасининг кенг маънода тушунтирувчи неоконсерватив қарашлар тизими шакллана борди ва кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Мана шундай қарашлардан бири “Катта Яқин Шарқ” концепцияси бўлиб, у 2003 йилда ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунгача бир қатор янгиланишлар билан “Янги Яқин Шарқ” сифатида эътироф этилмоқда. АҚШ маъмурияти вакили баёнотига қўра, “Катта Яқин Шарқ” географик кенглигига қўйидаги давлатлар киритилади: Шимолий Африка (Марокаш, Жазоир, Тунис ва Ливия), анъанавий Яқин ва Ўрта Шарқ ва Форс кўрфази (Миср, Истроил, Сурия, Иордания, Ливан, Яман, Ироқ, Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Бахрайн, Уммон, Қатар) ва

<sup>2</sup> Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст) - Т.:Академия, 2007. – Б.101

шунингдек Эрон, Афғонистон ва Покистон киради. Бир қатор америкалик мутахассислар ҳисоблашича, Туркия ҳам шу минтақага тегишили. Бундан ташқари, собиқ совет республикаларидан Кавказорти ва Марказий Осиёни ҳам қўшишади. Вашингтоннинг фикрича, Катта Яқин Шарқ учун бирлаштирилишниинг асосий хусусияти уларнинг қўпларида у ёки бу даражада халқаро терроризм манбалари, оммавий қирғин қуролларининг ёйилиши, сиёсий ва иқтисодий бекарорлик мавжуд.

Бир қатор эксперталар фикрича бу стратегияларнинг асосий мақсади Истроил мавқенини мустаҳкамлаш ва АҚШ манфаатларини қўллаб-кувватловчи тузумларни шакллантиришdir.<sup>3</sup> Эронлик мутахассислар фикрича, “Катта Яқин Шарқ” минтақани АҚШга қарам этиш ,“сиёсий ислом”ни кучизлантириш, “ислом ренессанси”га йўл қўймаслик, АҚШга номақбул тузумларни ағдариш ва исломий далатларни тўлиқ қайта мафкуралаштиришдан иборат. Уларнинг фикрича умумий ҳолда “Катта Яқин Шарқ” концепциясини амалга ошириш доирасида АҚШнинг вазифалари қуйидагилар: Яқин Шарқда Истроил ролининг ошиши ва манфаатларини ҳимоя қилиш; нефть заҳираларига АҚШ учун имкониятлар яратиш; Эронга босим ўтказиш; маданий ва мафкуравий сиёсат жабҳасидаги вазифалар.

Кўпгина мутахассислар муҳокамасига сабаб бўлаётган янги концепциялардан бири “Янги Яқин Шарқ” (New Middle East) лойиҳасидир. Бу концепция тўлиқ неоконсерватив руҳда шакллантирилган бўлиб, 2000-йиллардан кейинги АҚШ ташқи сиёсатининг муҳим жиҳатларини намоён қиласди. “Янги Яқин Шарқ” жумласи илк бор 2006 йил июнда АҚШ Давлат Котибаси К.Райс томонидан “Greater Middle East”(Буюк Яқин Шарқ)га ўриндош сифатида Тел-Авиждаги чиқишида эълон қилинган. Унинг аҳамиятли жиҳатларидан бири Боку – Тбилиси – Жайхун нефть терминалининг ишга тушиши билан бир вақтда эътироф этилганидир.К.Райснинг маълумот беришича “Янги Яқин Шарқ” лойиҳаси Ливандан бошланади. Эксперталар фикрича бу чақириқ Англия – Америка – Истроилнинг Яқин Шарқдаги “йўл харитаси”ни тасдиқлаш ҳисобланади. Минтақа бўйича уруш ўчоқлари ва тартибсизлик вазиятини туғдираётган “ижодий хаос” кучларини барпо этишга қаратилади. “Янги Яқин Шарқ” воситасида АҚШ, Б.Британия ва Истроил ўзларининг геостратегик ва бошқа манфаатларига мувофиқ Яқин Шарқ харитасини қайта шакллантириш имкониятига эга бўлишади.<sup>4</sup>

Профессор М.Левиннинг таъкидлашича, неолиберал глобалистлар ва неоконсерваторлар, ҳамда кичик Ж. Буш ҳукумати ўзларининг янги дунё тартиботини яратиш йўлидаги “ижодий йўқ қилиш” стратегиясини амалга оширмоқда.<sup>5</sup>

<sup>3</sup>Мирский Г.И. Большой Ближний Восток — самый конфликтный регион мира //http://www.wpec.ru/text/200704171449.htm

<sup>4</sup> Nazemroaya M.D. Plans for Redrawing the Middle East: The Project for a “New Middle East”//http://www.globalresearch.ca/index.php?context=viewArticle&code=NAZ20061116&articleId=3882. November 18, 2006.

<sup>5</sup> Levine M. The New Creative Destruction // Asia Times . August 22, 2006. <http://www.atimes.com/>

Таниқли назариётчи З.Бжезинский ҳам ўз китобида Евроосиё Болқони худудининг дастагини назорат қилишда замонавий Яқин Шарқни ҳам назарда тутган эди. Евроосиё Болқонига Кавказ, Марказий Осиё, Эрон ва Туркияни киритади. Эрон ва Туркия Яқин Шарқнинг муҳим шимолий чегараси ҳисобланиб, Европа в собиқ СССРга киришдаги стратегик мавқенини эътироф этган. Унинг таъкидлашича, Туркия ва Эрон ички этник низоларга тортилиш эҳтимоли юқори, лекин уларнинг бири ёки иккови бекарорлаштирилса минтақадаги ички муаммолар бошқарилиб бўлмайдиган, ҳал этиб бўлмайдиган даражага келади.<sup>6</sup>

“Янги Яқин Шарқ” нинг ишлаб чиқилиши билан унинг харитаси ҳам юзага келди. “Янги Яқин Шарқ” харитаси истеъфодаги ҳарбий Р.Петерснинг “Хеч қачон курашни тўхтатма” (“Never Quit the Fight”) номли китобининг бир муҳим қисми ҳисобланиб, у 2006 йилнинг 10 июляда оммага тақдим этилган эди. Бундан ташқари, бу харита Р.Петерс томонидан АҚШнинг қуролли кучлари журналида “Қонли чегаралар: Яқин Шарқ қандай кўринишга эга бўлиши яхшироқ” (Blood Borders: How a better Middle East would look) сарлавҳаси остида ҳам босиб чиқарилган.

Р.Петерснинг эътирофича, бугунги кундаги Яқин Шарқ минтақасидаги чегараланишлар тарихий, этник, миллий ҳақиқатга мос эмас. Шунинг учун ҳам муаммолар ечими топилмаяпти. Бу эса чегаралар ўзгаришини тақозо этади. Ўзгаришлар давлатлар ўртасидаги кескин сиёsatнинг юзага келиши, давлатлардаги ички ва конфессиялараро қарама-қаршиликлар оқибатидаги қуролли низолар натижасида рўй бериши мумкин.

“Янги Яқин Шарқ” харитаси бўйича кўп ўзгаришларга учрайдиган ҳудуд Ироқ ҳудуди бўлиши мумкин. У уч анклавга бўлинади: сунний, шиа, курд. Шу билан бирга бу концепция бўйича минтақада янги давлатлар вужудга келади: Курд давлати, Араб шиа давлати, Муқаддас ислом давлати, Белужистон давлати.

“Янги Яқин Шарқ” харитаси таҳлили шуни кўрсатадики, юзага келаётган ўзгаришлар минтақадаги сиёсий-ҳарбий ҳолатни янада мураккаблаштириб юборади. Давлатларнинг ўзаро ҳудуд алмашишлари ёки ўз ҳудудларидан ажралишлари ҳал этиб бўлмайдиган мажорага олиб келиши мумкин. Бу каби ташабbusларнинг шаклланишида шубҳасиз неоконсерватор назариётчиларнинг таъсири юқори бўлди. Хусусан, У.Кристол университетда ўқиб юрган давридаёқ шундай фикрни билдирган эди: “..Миссия Бағдодда бошланади, лекин у ерда тутатилмайди. Биз янги тарихий эра бошида турибмиз. Ва у Ироқ билан чегараланиб қолмайди. Ва ҳатто келгуси Ўрта Шарқда ҳам чегараланмайди. Бу давр АҚШнинг XXI асрда ўйнайдиган роли билан боғлиқdir”<sup>7</sup>.

XX асрнинг охирги ўн йилликларида шакллантирилган неоконсерватив

---

atimes/Middle\_East/HH22Ak01.html.

<sup>6</sup> Brzezinski, Z. The Grand Chessboard: American Primacy and Its Geo-strategic Imperatives (New York City: Basic Books, 1997) // [http://www.perseusbooksgroup.com/basic/book\\_detail.jsp?isbn=0465027261](http://www.perseusbooksgroup.com/basic/book_detail.jsp?isbn=0465027261).

<sup>7</sup> Грачева Т.В. Военная политика США сквозь призму философии и персоналий // <http://www.bestreferat.ru/referat-2126.html>. - 16 декабря 2004 г.

ғояларнинг тадбиқ этилиши ва ташқи сиёсий стратегияларда қўлланиши Яқин Шарқдаги замонавий жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Мантиқан бир-бирини такрорлайдиган ва тўлдирадиган “Катта Яқин Шарқ”, “Буюк Яқин Шарқ” ва “Янги Яқин Шарқ” каби концепциялар замонавий Яқин Шарқ муаммоларини бартараф этиш ғоялари остида АҚШ геосиёсий ва геоиктисодий манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги, муайян Ғарб сиёсий доиралари томонидан илгари сурилаётган “Катта Марказий Осиё”, “Катта Яқин Шарқ”, “Демократик сайлов ҳамжамияти” каби ташабbusлар куч марказларининг сиёсий, иқтисодий ва бошқа манфаатларининг ифодаси ҳисобланади.<sup>8</sup>

Балки бундай ғояларнинг илгари сурилиши ва замонавий геосиёсий хариталарнинг яратилиши “...буғунги дунё АҚШ миллий манфаатларини амалга оширишга кўмаклашиши керак. АҚШ миллий манфаатлари стратегиясининг муайян даражада бажарилиши унинг мукаммал ишлаб чиқилганлиги билан эмас, аксинча, беҳисоб ҳарбий стратегик, иқтисодий имкониятларга эга эканлиги билан устувор даражада боғлик”<sup>9</sup> қабилидаги қарашларда асосланаётганлигидир.

Яқин Шарқдаги манфаатларини таъминлаш учун янги муаммолар юзага келтириш, мавжудларини тезлаштириш сиёсати ҳам баъзан муҳим ҳисобланмоқда. Миллий манфаатларни амалга ошириш ва уни ҳимоя қилиш учун манфаатларни глобаллаштириш ҳолати ҳам юзага келди. Мутахассислар фикрича, миллий манфаатларни глобаллаштириш глобаллашувнинг илк ва асосий камчилиги ҳисобланади. Чунки бу хатти-ҳаракат сиёсий гегемонликка йўл очиши мумкин.<sup>10</sup>

Замонавий геосиёсий жараёнлар ва уларнинг салбий натижалари неоконсерваторларни жиддий мушоҳадага чорлаши тайин. Чунки, миллий манфаатлар ижроси учун қилинган кескин сиёсат ёки ишлаб чиқилган стратегиялар доим ҳам кутилган натижаларни беравермайди. Масалан, Ироқ тузумининг ағдарилиши охирги ўн йилликларда минтақада юз берган кескин ўзагиришлардан биридир. Сиёсий жиҳатдан мамлакатда парокандалик вужудга келди. Саддам Ҳусайннинг қатл қилиниши ва тўғридан тўғри эфир орқали оммага узатилиши, аҳоли орасида Саддам Ҳусайн тарафдорларининг радикаллашишига олиб келди. Мамлакатда Шиалар, Курдлар ва Суннийлар орасида натижасиз рақобат ва жанглар бошланиб кетди. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан деярли вайрон қилинди. Урушлар оқибатида кўпчилик нефтни қайта ишлаш заводларига ўт қўйилади. Мамлакат нефть-саноати тармоғи бутунлигича издан чиқади. Ҳозирда Ироқнинг иқтисодиёти фақатгина қазиб олинган нефтни тўғридан тўғри сотиш эвазига биринчи аҳолига зарур маҳсулотлар-озик-овқат ва дори дармонлар сотиб олиш билан чекланмоқда. Бундан ташқари умумий ҳисобда Яқин Шарқдаги тартибсизликлар кучайишида давом этмоқда. Бу эса можароларнинг бир бирига туташиб

<sup>8</sup> Жўраев Т, Акобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Т.:Академи. – 2007 . – Б.118

<sup>9</sup> Ўша манба. – Б.35

<sup>10</sup> Жўраев С., Саодолимов С., Абдуғаниева З. Халқаро хавфсизлик. – Т ..Академия, 2007. – Б.51

халқаро тус олиши эҳтимолини четлаб ўтмайди.

2011 йилнинг январ ойида шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларининг ички ҳаётини янгилаш мақсадида бошланган норозилик намойишлари март ойига келиб геосиёсий қарама-қаршиликка айланиб кетди. Бир неча йилдирки, бутун Сурияни қамраб олган тартибсизликлар бугун том маънодаги урушга айланиб улгурди.

Агар масалага геосиёсий нуқтаи назардан ёндашилса, Яқин Шарқда АҚШ манфаатларига зид сиёсий позицияда турган давлатлар рўйхатида Сурия ва Эрон қолганлиги маълум бўлади. Истроил хавфсизлиги, Эронни яккалаш сиёсати, терроризм ва экстремизни қўллаб-қувватловчилар кучларни йўқотиши ва айниқса минтақадаги геоиктисодий манфаатларни таъминлаш заруратлари билан боғлиқдир.

Таҳлилларга кўра, Сурия 1,200 км.ли режалаштирилаётган Араб Гази қувурининг энг муҳим қисми ҳисобланади. Суриянинг Араб Гази қувурлар тармоғида тутган марказий роли айнан Сурия нишонга олинилаётганини англаб етишда калит вазифасини ўтайди.

Албатта мазкур омиллардан ташқари Суриядаги мавжуд ички сиёсий вазият, ички келишмовчиликлар, ҳокимият учун кураш, диний-этник ихтилофлар омиллари ҳам Суриянинг фуқаролар уруши ўчоғига айланиб бораётганлигига сабаб бўлади.

Умуман, Сурияда давом этаётган фуқаролар уруши шаклидаги сиёсий-ҳарбий инқиroz минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Марказий Осиёдаги барқарорлик, миллатлараро ва диний бағрикенглик сиёсатига жиддий таъсир қилиш мумкин. Айниқса, турли ижтимоий тармоқлар воситасида “рангли инқилоблар” тўлқинига тортилиши минтақа давлатларида кечеётган модернизациялашув ва янгиланишлар ислоҳатларини сустлаштириши, фуқаролик жамиятини шакллантириш қонуниятларини сунъий равишда тезлаштириш натижасида сиёсий бекарорлик келтириб чиқарилиши мумкин.

2002 йилдаёқ АҚШнинг собиқ президенти Ж.Буш томонидан Суриянинг “Ёвузлик ўқи” тизимиға киритганлиги ва Ироқдаги тузум ўзгаришларидан кейинги мўлжалга олинган давлатлар қаторига киритилишини эсга олиш керак. Гарчи, АҚШ давлат бошқарувида демократлар мавқеининг устунлигига қарамай Сурия тузумини ўзгартиришга бўлган амалиёт кузатилмоқда. Шу ўринда собиқ ҳарбий Р.Петерснинг Янги Яқин Шарқ харитасига мурожат этиш лозим. Чунки, мазкур харитада янги “Мусулмон давлати” чегаралари акс эттирилади. Бу ҳолатни ҳозирги давр “жиходчи” лигининг ёрқин намунаси бўлган “ИШИД” (Ироқ ва Шом ислом давлати) фаолияти билан изоҳлаш мумкин. Яъни маълум маънода неоконсерватив назариялар амалиётга кўчмоқда.

Демак, бугунги кунда Яқин Шарқда кечеётган геосиёсий жараёнлар моҳиятини тушуниш учун Катта Яқин Шарқнинг Ироқ ва Сурия геосиёсий чизиги атрофида кечеётган жараёнлар кетма-кетлигини таҳлил қилиш талаб этилади. Бу масалада асосий эътибор “ИШИД” феноменига қаратилган. Хўш бундай халқаро жиходий “давлат”нинг юзага келиши сабаблари нимада?

АҚШнинг Ироқقا қарши ҳарбий ҳаракатларининг Ироқдаги шиа мазҳабидаги гурухлар томонидан олқишлир билан кутиб олиниши натижасида С.Хусайн тарафдорлари ва бошқа бир қатор сунний куролланган тузилмаларнинг бош кўтариши кузатилди. 2001 йилда Афғонистонда бошланган терроризмга қарши кураш компанияси натижасида Ал-Қоида террорчилик гурухининг беқарорлашган Ироқ худудига интилиши ҳам кучайди. Айниқса, Ироқ суннийларининг интервенциячиларга нисбатан салбий муносабати Ал-Қоида гурухининг Ироқдаги фаоллигини оширишнинг омили сифатида кўра бошлашди. Натижада 2004 йилнинг охирига келиб Ироқдаги қабилалар ва турли айирмачи гурухлардан ташкил топган “Танзим Қаидат ал-Жихад фи ал-Рафидайн” (Икки дарё оралиғидаги жиҳодий ташкилот) номли гурух шакллантирилди. Ушбу гурухнинг асосий мақсади Ироқ худудидан хорижий кучлар ва шиаларни хайдаб чиқариб, мамлакатда қатъий шариат қоидаларига асосланган исломий назорат ўрнатиш эди. Бу ташкилот ҳозирги “Ироқ ва Шом исломий давлати” учун пойдевор вазифасини ўтади. 2006 йил октябринда “Ироқдаги ал-Қоида” бир қанча жангари гурухлар ва сунний қабилалар билан бирлашди. Ушбу бирлашув ортидан “Ироқ Исломий давлати” юзага келди. “Ироқ Исломий давлати” ал-Қоидадан тобора мустақил жиҳодий ташкилотга айлана бориб, камайиб бораётган моддий таъминотни оддий аҳоли, давлат идораларини талаш, яъни қароқчилик, бой шахсларни ўғирлаб, нефт карвонларини босиб олиш йўллари эвазига тўлдириш йўлига ўтди.

2011 йил марта Суриядаги тартибсизликлар бошланиши ва унинг фуқаролар урушига айланиб кетиши “Ироқ Исломий давлати” фаоллигининг кескин ошишига кучли туртки берди. Умуман олганда гурух “араб баҳори”ни минтақада ўз таъсирини ошириш учун қулай имконият сифатида қабул қилди.

2013-йил апрелида гурух етакчиси Абу Бакр ал-Бағдодий Сурияда ал-Қоиданинг расмий фирмаси ҳисобланмиш “Жабҳат ал-Нусра” (ал-Нусра Фронти) жиҳодий ташкилоти билан бирлашув ҳақида баёнот тарқатиб, “Ироқ Исломий давлати” бундан буён “Ироқ ва Шом Исломий давлати” (ИШИД) дея юритилишини маълум қилди. Бу баёнот гурухнинг фаолияти Ироқ чегараларидан чиқиб, Сурияга ҳам ёйилгани ва эндиликда, исломий давлат қуриш режаси фақатгина Ироқни эмас, балки бутун бошли Шом (Суриянинг қадимги номи. Кенгроқ маънода бутун Левант, яъни Ўртаер денгизининг шарқий қисми) ҳудудини қамраб олишини англатар эди. Гарчи Ироқ худудида пайдо бўлганига қарамай, ИШИД ўзининг ҳозирги қудратига нотинч Сурияда эга бўлди. 2013-йил Суриянинг Раққа шаҳрини ўз пойтахти деб эълон қилган ИШИД ўтган вақт давомида Шимолий Суриядан тортиб Ироқ-Сурия чегарасигача бўлган аксарият ҳудудларни эгаллаб олди. Суриядаги қарама-қаршиликларга қарамай, ИШИД мамлакат шимолидаги нефть конларидан салмоқли фойда олаётгани маълум бўлмоқда. ИШИД таркибида курашаётган жангариларнинг аниқ сони маълум эмас. Баъзи таҳминларга кўра уларнинг сони 31 мин кишидан иборат. Бундан ташқари жангарилари таркибида 90 дан ортиқ давлатлардан келган 15 минг

хорижликлар мавжуд.

Умуман, охирги йилларда минтақада кечаётган кескин қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар минтақани глобал терроризмнинг улкан полигонига айлантириб қўймоқда.

“Араб баҳори” инқилобий жараёнлари тўлқини билан бошланган кенг кўламли “демократлаштириш” жараёнлари йирик ҳарбий-сиёсий инқирозни каелтириб чиқариш хавфини юзага келтирди. Шу ўринда 90-йиллар бошида шаклланган неоконсерватив демократлаштириш лойихаларининг ҳали ҳануз амалиёти борасида курашлар кетаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бирок, “юмшоқ куч” воситасининг қўлланиши ҳар доим ҳам ўзининг кутилган натижасини бермаслиги аён бўлмоқда. Шу боис Америка жамоатчилигига неоконсерватив қарашларга нисбатан кескин танқидлар ҳам ортган.

Демак, АҚШ неоконсерватив ғояларининг Янги Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий жараёнларда тутган ўрни ва таъсири билан боғлиқ қуйидаги хуносаларни келтириш мумкин:

Биринчидан, халқаро терроризмга қарши кураш билан бошланган, демократлаштириш ва авторитар тузумларга барҳам бериш ғоялари билан ўйғунлашган ташабbusлар натижасида ижтимоий-сиёсий лексиконда “Янги Яқин Шарқ” тушунчаси пайдо бўлди;

Иккинчидан, янгилangan ва бойитилган Яқин Шарқ неоконсерватив ғоялар ижросини таъминлашнинг самарали механизми сифатида намоён бўлди;

Учинчидан, АҚШ давлат бошқарувида неоконсерваторлар таъсирининг сезиларни камайишига қарамасдан ҳарбий ёки ноҳарбий воситалар орали АҚШ интервенционизми фаол давом эттирилмоқда;

Тўртинчидан, АҚШ неоконсерваторлари манфаатларининг ижроси АҚШнинг халқаро майдондаги мавқеига салбий таъсир ўтказишда давом этмоқда ва янги демократлар ҳукуматининг фаол интернационализм сиёсатини олиб бориши зарурати долзарблашди.